

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР: ХОЗИРГИ
ХОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ****Абдурахманов Рустам Махмудович**

Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факултетида Тьютор (Таълим-тарбия маслаҳатчиси)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11397275>

Аннотация. Мақолада замонавий дунёда гуманитар фанларнинг ривожланиши истиқболлари, таълим тизимида фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанларни ўқиттиши самарадорлигини оширишининг илмий-услубий масалаларини таҳлил қилишига багишланган.

Калим сўзлар: Республикализ олий таълим тизимида гуманитар фанларни ўқиттиши масалаларига оид ёндашувлар.

**SOCIAL AND HUMANITARIAN SCIENCES IN THE HIGHER EDUCATION
SYSTEM: CURRENT STATE AND DEVELOPMENT PROSPECTS**

Abstract. The article is devoted to the analysis of the development prospects of humanities in the modern world, the scientific and methodological issues of increasing the effectiveness of teaching philosophical and social-humanities in the educational system.

Keywords: Approaches to the issues of humanities teaching in the higher education system of our republic.

**СОЦИАЛЬНЫЕ И ГУМАНИТАРНЫЕ НАУКИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО
ОБРАЗОВАНИЯ: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ**

Аннотация. Статья посвящена анализу перспектив развития гуманитарных наук в современном мире, научно-методических вопросов повышения эффективности преподавания философских и социально-гуманитарных наук в системе образования.

Ключевые слова: Подходы к вопросам преподавания гуманитарных наук в системе высшего образования нашей республики.

КИРИШ

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистонда жамият тараққиётининг асоси – маънавият, деб эътироф этилгани ва мустақиллик йиллари бу борада ишлар амалга оширилган. Бугун гуманитар фанга муносабат турличадир. Аммо гуманитар фанлар муҳим ўринга эга эканлигини, илмий

аҳамиятини, ўз методларига эга эканлигини аллақачон исботлаган. Гуманитар фанлар, гуманитар тафаккур цивилизация ривожланишида жуда катта рол ўйнамоқда. Гуманитар билим ва гуманитар таълим эҳтимолий моделларини қуришга ўтишдан аввал, уларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш зарурдир. Дарҳақиқат, қаердаки маънавият, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни етарлича тушунилмаса, уни ривожлантиришда асосий ўрин тутувчи ижтимоий- гуманитар фанларни ўқитишга жиддий эътибор берилмаса, ўша ерда муаммолар камайиш ўрнига кўпайиши мумкин. Хусусан, ҳозирги даврда дунёдаги кўплаб ҳалқлар ҳаётида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам намоён ўлаётган муаммо ва иллатларнинг аксарияти айнан маънавиятсизлик, маънавият масалаларига етарлича эътибор бермаслик, бу борада мухим ўрин тутувчи фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанларни етарлича ўқитмаслик туфайли келиб чиқмоқда.

АСОСИЙ КИСМ

Халқни, миллатни уйғотадиган куч айнан ижтимоий ва гуманитар фанлардир. Таниқли олим М.Шелер таъкидлаганидек, “таълим “бирор нарсага ўргатиш” эмас, қасб-хунар, мутахассислик, ҳар қандай маҳсулдорлик учун, ҳатто ундан ҳам кўпроқ, таълим бундай тайёрлаш учун мавжуд эмас”¹.

1971 йилда Д. Белл: «Постиндустриал жамият» концепцияси назарий билимларнинг марказий ролини янги технология, иқтисодий ўсиш ва жамиятнинг янги табақаланиши атрофида қуриладиган ўқ сифатида таъкидлайди²».

Гуманитар фанларнинг ҳозирги кўриниши XIX –XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келган. Унинг методологияси ҳам айнан ўша даврга тегишлидир. Гуманитар фан ўзининг ҳозирги ҳолатида замонавий жамиятдаги муаммоларни таҳлил қила олмайди. Инсон ва жамият ҳаётида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни, уларни таълим тизимида ўқитишнинг назарий ва услубий масалалари барча даврларда дунё олимларининг эътиборида бўлиб, бу борада ўзига хос илмий қараш, назария ва таълимотлар яратилган. Уларни атрофлича ўрганиш натижаси сифатида айтиш мумкинки, туб ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра таълим- тарбия институционал тизими фаолиятининг стратегик мақсади – фақатгина у ёки бу соҳа учун мутахассис-кадрлар тайёрлаш эмас, балки қенг маънода, инсонни тарбиялаш, яъни жамият аъзоларида ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт талабларига мос биоижтимоий хосса-хусусиятларни шакллантириш, уларда чин инсоний хислат ва фазилатларни камол топтиришдир.

¹ Шелер М. Избранные произведения. - М., 1994.

² :/Users/User/Downloads/zbekiston-oliy-talim-tizimining-evropa-standartlariga-tishi-sharoitida-izhtimoiy-fanlarni-itishning-ziga-hosligi.pdf

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда ижтимоий фанларни янгича нуқтаи назардан ўқитиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ- 4307-сонли, 2021 йил 26 марта “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 5040-сонли қарорлари, Вазирлар маҳкамаси томонидан 2019 йил 31 декабрда тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли, 2021 йил 3 июндаги “Республика маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 340-сонли қарорлари ҳамда 2020 ва 2021 йилга Олий Мажлисга Мурожаатномалари ва “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” бўйича қатор чиқишлида кўрсатилган вазифалар юртимизда маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳаларидаги ишларни ривожлантиришда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда³.

Мазкур ҳужжатлар таълим-тарбия тизимидағи ишларни замонавий талабларга мувофиқ ташкил этиб, ёшларимизни миллий истиқбол ғоялари руҳида ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш ва умуман, халқимиз маънавиятини юксалтириш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилиб келмоқда.

Айни пайтда, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, жамиятимизда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш самарадорлигини янада ошириш, хусусан, бунда замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтириш долзарб вазифалардандир.⁴

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримовтаъкидлаганидек: “Авваламбор, ҳозирги вақтда маънавият масаласи накадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораётганини аксарият кўпчилигимиз ҳали ҳам чуқур тушуниб етганимиз йўқ”.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларда тўпланган тажрибалар таҳлилидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Республикаимиз олий таълим тизимида миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ таълими бўйича ўз вақтида йўлга қўйилган ташкилий-услубий ишлар мустақил тараққиётимиз талабларига мувофиқ бўлиб, улар бу борадаги фаолиятимизни янги босқичларда ривожлантириш ва келгуси вазифаларни аниқ белгилаш учун мустаҳкам пойdevor бўлиб хизмат қиласи.⁵ Зоро, Президентимиз

³ <https://kadrovik.uz/uz/>

⁴ WWW.ORIENS.UZ

⁵ <https://staff.tiiame.uz/storage/users/422/articles/6LxNPSkqDRqxW0vKrnWPFolNZSIBBptmySXFi8AQ.pdf>

Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бизда узоқ йиллар давомида ижтимоий фанларга нисбатан бир томонлама технократик ёндашув, бу борадаги масалаларга ажабтовур бир ўгай қараш шаклланиб қолган. Айни пайтда, афсус билан қайд этиш мумкинки, ҳалигача узлуксиз таълим босқичларида, айниқса олий таълим тизимида ижтимоий фанларни қанча ҳажмда ва қандай йўналишларда, қай бир шаклда ва қандай мазмунда ўқитиш ва ўргатиш бўйича яхлит концепция йўқ.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларда тўпланган тажрибалар таҳлилидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Республикаимиз олий таълим тизимида миллий ғоя, маънавият ва хуқуқ таълими бўйича ўз вақтида йўлга қўйилган ташкилий-услубий ишлар мустақил тараққиётимиз талабларига мувофиқ бўлиб, улар бу борадаги фаолиятимизни янги босқичларда ривожлантириш ва келгуси вазифаларни аниқ белгилаш учун мустаҳкам пойdevor бўлиб хизмат қиласди.

Бу ўринда касб-хунар ёки ихтисосликка оид билим, малака, қўникма ва маълумотлар эмас, инсоний фазилатлар биринчи ўринда туради.⁶ Негаки, жамият учун, ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт учун аввал у ёки бу касб-хунар ёки алоҳида бир ихтисосликка оид билим, малака ва қўникма эмас, чин инсоний хислат ва фазилатлар муҳимроқ. Яъни одамзод инженер, врач ёки агроном бўлишдан олдин албатта инсон бўлиш керак. Чунки инженер, врач ёки агрономдан инсон эмас, балки инсондан инженер, врач ёки агроном чиқариш мумкин. Шунга кўра, таълимтарбия жараённида ўқувчи-талабаларга аввало инсон ва жамият ҳақидаги билимлар берилиши, уларга ана шу билимларни берувчи ижтимоий-гуманитар фанлар албатта ўқитилиши зарур. Негаки, жамият учун, ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт учун аввал у ёки бу касб-хунар ёки алоҳида бир ихтисосликка оид билим, малака ва қўникма эмас, чин инсоний хислат ва фазилатлар муҳимроқ.

Республика таълим тизимидағи барча босичларда, жумладан олий таълим муассасаларидаги барча таълим йўналиши ва мутахассисликларида фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанларни, уларни ўқитишига ажратиладиган дарс соатларини кўпайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, мазкур фанлар бўйича янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишига жиддий эътибор қаратиш лозим. Айни пайтда уларга оид адабиётларни турли тилларда нашр этиш мақсадга мувофиқ.⁷

ХУЛОСА

Мутахассисларнинг кўрсатишларича, олий ўқув юртлари битирувчилари ишлаб

⁶ <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-tizimida-izhtimoiy-gumanitar-fanlarni-itish-zaruriyati-va-a-miyati/pdf>

⁷ WWW.ORIENS.UZ

чиқаришга боргач, таълим жараёнида олган назарий билимларини амалиётда қўллашда қийналишмоқда. Шунинг учун ушбу йўналишдаги ўқув жараёнларида талабаларнинг амалий машғулотлари ҳажмини ошириш, бунда мазкур таълим турига Ўқув режаларида кўпроқ вақт ажратиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий ҳаётда маълумотлилик мақомини ҳамда таълим-тарбия тизимида ижтимоий-гуманитар билимларнинг зарурятини белгиловчи яна бир муҳим ҳолат шуки, таълим тизимининг муайян босқичини, хусусан олий ўқув юртидаги мавжуд таълим йўналишини битирган мутахассис-кадрлар жамият ҳаётининг турли соҳаларидағи тегишли лавозимларда, жумладан бошқарув лавозимларида раҳбарлик фаолиятини олиб бориши мумкин.⁸

Мамлакатимизда фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан миллий ғоя, маънавият ва мағкура бўйича малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтириш, бунда Республикамиз олий ўқув юртларидағи “Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими” бакалавриат таълим йўналиши ҳамда магистратура мутахассисликлари учун қабул квоталарини ошириш, айни пайтда, мазкур таълим йўналиши базасидаги магистратура мутахассисликларини кўпайтириш, хусусан, бунда “Миллий ғоянинг фалсафий масалалари” ҳамда “Хуқуқ таълими” (ёки “Юристпедагогика”) мутахассисликларини очиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий фанлар, ижтимоий таълим яқин келажакда талабигир соҳалардан бирига айланади. Бугунги таълим тизимининг вазифаси узлуксиз ўзгараётган, мураккаб дунёда ўз-ўзини ривожлантира оладиган шахсни тайёрлашдир.

REFERENCES

1. Шелер М. Избранные произведения. - М., 1994.
2. <https://Users/User/Downloads/zbekiston-oliy-talim-tizimining-evropa-standartlariga-tishi-sharoitida-izhtimoiy-fanlarni-itishning-ziga-hosligi.pdf>
3. <https://kadrovik.uz/uz/>
4. WWW.ORIENS.UZ
5. <https://staff.tiame.uz/storage/users/422/articles/>
6. <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-tizimida-izhtimoiy-gumanitar-fanlarni-itish-zaruriyati-va-a-miyati/pdf>
7. WWW.ORIENS.UZ

⁸ WWW.ORIENS.UZ